

“Агробанк” АТБ  
Бошқаруви йиғилишининг  
2017 йил “17” *апрел* даги  
24011 - сонли қарорига  
—илова

Банк апаратининг  
**НИЗОМИ**  
(янги тахрирда)

Тошкент – 2017

## 1. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Банк сирини тўғрисида” ва “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мувожаатлари тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сонли қарори ҳамда банк Уставига мувофиқ Банк апаратининг таркибий тузилиши, вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Банк апарати банкнинг мустақил таркибий тузилмаси бўлиб, бевосита Бошқарув раисига бўйсунди.

3. Банк апарати ўз фаолиятини Марказий аппаратнинг таркибий тузилмалари билан ўзаро ҳамжиҳатликда ташкил этади.

4. Банк апарати тасарруфида қуйидаги тузилмалар фаолият кўрсатади:

- а) Мувожаатларни кўриб чиқиш бўлими;
- б) Президент виртуал қабулхонаси билан ишлаш бўлими
- в) Ишонч телефони шубаси;
- г) Ижро назорати шубаси;
- д) Банк котибияти.

5. Банк апарати таркибий тузилмаси ва штат жадвали банк Бошқаруви томонидан тасдиқланади. Банк апарати ходимлари ҳамда ҳудудий бошқармаларда ижро назорати ходимларининг лавозим мажбуриятлари мазкур Низомга илова қилинади.

6. Банк апарати бошлиғи банк Бошқаруви раиси томонидан тайинланади.

7. Банк апарати “Кириш”, “Назорат”, “Такрорий”, “Дубликат” деб ёзилган штампларига эга.

8. Банк апаратига иш юритиш банк тизимида ўрнатилган иш юритиш тартибига асосан амалга оширилади.

## 2. Вазифалари ва функциялари

9. Банк апарати асосий мақсади - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва унинг Девони топшириқлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кўрсатмалари ижро этилиши ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилишни ташкил этишга, жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки, ёзма ёхуд электрон мувожаатларини Марказий аппарат таркибий тузилмалари томонидан ўз вақтида кўриб чиқишини тизимли назорат қилишини таъминлашга қаратилган.

“Agrobank” aksiyadorlik tijorat banki

Metodologiya bo'limi

375 raqam bilan ro'yhatga olindi

2017 yil 21.04.2017

imzo

10. Ушбу вазифаларни бажариш учун Банк аппарати:

а) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва унинг Девони топшириқлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кўрсатмаларини Марказий аппарат таркибий тузилмалар томонидан ўз вақтида ижро этилиши ва уларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат қилади, электрон назорат карточкаларини юритади;

б) электрон иш юритиш ва ҳужжатлар айланиши тизими асосида ҳужжатлар ва топшириқларнинг ўз вақтида ижро этилишини, уларнинг айланиши, таҳлил ва назорат қилишнинг ягона тизими амалга оширилишини таъминлайди;

в) Марказий аппарат барча таркибий тузилмаларида назоратга олинган ҳужжатларнинг ижроси юзасидан тизимли назорат ўрнатади, бу борада Бошқарув Раисини, унинг ўринбосарларини ҳамда таркибий тузилмалар раҳбарларини хабардор қилади;

г) Жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенати, Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк, виртуал қабулхона орқали ҳамда тўғридан-тўғри банкка келиб тушган оғзаки, ёзма ва электрон мурожаатлари мониторингини юритади, ижрочи таркибий тузилмалар томонидан кўриб чиқилиши юзасидан назорат олиб боради;

д) банк раҳбарияти, шунингдек таркибий тузилмаларнинг раҳбарлари ва масъул мутахассислари томонидан жисмоний шахс ва юридик шахсларнинг вакилини қабул қилинишини ташкил этади;

е) Бошқарувнинг иш режасига мувофиқ Бошқарув йиғилиши кун тартибини тайёрлайди, Бошқарув аъзолари билан келишилган ҳолда, тегишли таркибий тузилма томонидан Бошқарув қарорини тасдиқлаш учун Бошқарув раисига киритилишини назорат қилади;

ё) Бошқарув раиси қабулхонасида иш юритишни ташкил этади, республика вазирликлари, идоралари ва хўжалик бирлашмаларидан келган вакилларни қабулга ёзади ва қабулни ташкиллаштиради.

ж) жамоада ижобий фаоллик ва ташаббускорлик муҳитини яратади, маънавиятни юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларни ўтказишда иштирок этади;

з) банк тизимида ижро интизоми, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини амалдаги қонунчилик доирасида кўриб чиқилишига доир семинарлар ташкил этади.

и) Марказий аппаратнинг таркибий тузилмалари ҳамда банкнинг ҳудудий бошқармаларида ижро интизоми назорати ташкил этилишини ва унинг аҳволини ўрганади, уларнинг натижалари бўйича электрон иш юритиш ва ҳужжатлар айланиши тизимини жорий этиш асосида ижрочи рўйхатга олиш, ҳисобга олиш, уларнинг айланиши, таҳлил ва назорат қилиш ягона тизимини юзасидан назорат қилиш масалаларида амалий ёрдам кўрсатади.

"Agrobank" aksiyadorlik jamiyati  
Metodologiya bo'limi  
375 raqam bilan ro'yxatga olindi  
20 17 yil " 21. aprel"  
imzo \_\_\_\_\_